

БАДИЙ АДАБИЁТДА “ТАМСИЛ” САНЬЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

Расулхўжаев Сардорхўжа Ғаффор ўғли

Тошкент давлат шарқшунослик университети магистранти, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси ўқитувчиси e-mail: srasulkhodjayev@gmail.com tel: +998971494244

“Тамсил” сўзи арабча бўлиб, “масал” ўзагидан олинган. Шундан келиб чиқиб, “тамсил” – адабиётда “масал айтиш”, “масал келтириш” маъносини англатади. “Масал” – мисол, ўхшатишдир. Араб адабиётида масал ва тамсил тушунчаси ўзбек тилидагисидан анча умумий ҳисобланади. Ўзбек адабиётида масал – бу таълимий ҳарактердаги қисқа назмий ёки насрый асар бўлиб, унда инсонга хос хусусиятлар, ижтимоий ҳодисалар ҳайвонларнинг ўзаро муносабатлари ва табиат ҳодисалари орқали акс эттирилади⁶. Бундан чиқди, масалда ҳайвонот иштирок этиши, қисқа бўлиши, тугалланган ҳодиса акс этиши керак.

Тамсил – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеърда ифода этилган фикрни ҳаётий мисоллар ёрдамида далиллаш, тасдиқлаш, изоҳлаш. Моҳиятан, тамсил ирсолу масал санъатига ўхшаш, фақат ундан фарқли ўлароқ, фикр тасдиғи учун мисол ҳаётнинг ўзидан олинади. Яъни агар ирсолу масалда фикр тасдиғи учун халқнинг минг йилликлар давомидаги ҳаётий тажрибасини ўзида мужассам этган мақолларга таянилса, тамсилда, кўпроқ, шахсий тажриба, ҳаётий тажрибаларга асосланилади. Тамсил ўхшатиш асосида воқе бўлади. Чунки айтилаётган фикр ёки тасвирланаётган ҳолат ва унинг тасдиғи (ёки иллюстрацияси) учун келтирилаётган ҳаётий мисол моҳиятида ўхашлик бор. Бироқ ўхшатишдан фарқли равишда, тамсилда ўхшатиш воситаларидан фойдаланилмайди, фикр (ёки ҳолат) параллел бериладида, улар орасидаги ўхашлик, боғлиқлик, алоқадорликни англаб олиш ўқувчининг ўзига ҳавола этилади. Масалан, Алишер Навоийнинг қуйидаги машҳур қитъасида фикрни далиллаш учун моҳирона тамсил қилинган:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсин дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

Қитъанинг биринчи байтида шоир тарбияда насл ҳал қилувчи аҳамиятга эга, шунинг учун “нокасу ножинс”лар авлодини одам қиласман деб уриниш бефойда, деган асосий фикрни айтади, сўнг уни асослаш учун кучук билан

⁶ Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси, 1-жилд, Тошкент, 2000-йил.

хўтикни қанча тарбияласанг ҳам, одам бўлиб қолмайди, тарзидаги ҳаётий мисолни келтиради.⁷

Араб адабиётидаги масал эса бундан фарқ қиласди. Ундаги масал – бирор киши томонидан айтилиб, машҳур бўлган, сўнг турли ҳолатларга нисбатан айтиладиган гаплардир. Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, араб масаллари ҳам мақол, ҳам матал, масал, ҳикоя, шеър кабилар учун умумийдир. Яна масал деб одамлар оғзида машҳур бўлиб кетган, бирор ҳолатда шу ҳолатни содда қилиб ифодалаб берадиган ибораларга нисбатан ҳам айтилади. Масални ўз ўрнида қўллашга нисбатан эса “тамсил” ибораси ишлатилади.

“Масал” ва “тамсил” араб адабиётида кўпинча бир маънода қўллаб келинган.

Тамсиллар халқлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади. Ҳаётимиздаги бирор босқич, бирор ҳолат йўқки, у ҳақида тамсиллар келмаган бўлса. Тамсиллар башарият қандай ҳаёт кечиришини ҳикоя қиласди, урфодатларни кейинги авлодларга сўз воситасида ташийди, халқнинг характери билан таништиради. Турли хил ҳолат ва вазиятларда қандай иш тутиш лозимлиги ҳақида панд-насиҳат қиласди. Баъзан ўтганларнинг ишини эслатиб, ҳушёр торттиради, намуна олишга чорлайди.

Ҳар бир халқнинг тамсиллари шу халқقا хос менталитет, қадрият, ҳикмат кабиларни ўзида мужассам этган экан, улар айни халқнинг тилини, сўз бойлигию оғзаки ижодини ҳам ўзида акс эттиради. Халқнинг барча табақалари ва тарихи ҳақидаги билимлар, ижтимоий маданияти кабилар тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Донишманд, олим, шоир ёхуд оддий одамларнинг оғзидан чиқсан бўладими, фарқи йўқ, улар бирдек қабул қилинади. Бадиий адабиётнинг бойлигига айланади.

Шу сабабдан бўлса керак, тамсиллар бутун башариятнинг мулкига айланади. Тамсилни биринчи қўллаган кишига мансублиги ҳам одатда аҳамият касб этмайди. Аксинча, вазият тақозо қилган ҳар қандай тамсилдан фойдаланиш иборанинг бадиийлигини орттиради.

Дарҳақиқат, тамсиллар қадим замонлардан бери ҳозирги кунимизга қадар одамлар тилидан айрилмаган. Қайси халқ бўлишидан қатъи назар, оғзаки нутқда ҳам, расмий ва норасмий ёзишмаларда ҳам тамсилдан фойдаланади. Ҳаттоқи дипломатик протоколларда расмий учрашувлар бадиийликдан холи бўлишини шарт қилиб қўйган бўлсада, бироқ тамсиллар инсонларнинг қонқонига сингиб кетгани учун дипломатик учрашувларда томонлар кўпинча бирор мақол ёки иборани тамсил сифатида келтирадилар.

Мисол учун, Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев 2018 йил Хитой Халқ Республикасига ташрифи асносида томонлар раҳбарлари матбуот анжумани ўтказаркан, икки томонлама тижорат ҳамкорлиги ҳақида сўз боради. Хитой президенти тижорий алоқалар давлатлар ҳамкорлигига катта роль ўйнашига

⁷ Д. Куронов, “Адабиётшунослик лугати”. Тошкент, “Академнашр”, 2010, Б. 308.

ишора қилиб: “Ўзбек халқ мақолида айтилганидек, “бўш қоп тик турмайди”, - дея тамсил санъатидан фойдаланади. Демак, тамсиллар фақат муайян халқдан чиқиб, шу халқ истеъмолида қолиб кетмайди. Балки халқларнинг ўзаро муносабатга киришувида ҳам ўз ролини ўйнайди.

Тамсиллар, айниқса, араб халқлари ўртасида беқиёс ўринга эгадир. Араб тилининг мукаммаллиги, малоҳати, оз сўзлар билан кўп маънога далолат қила олиши бунга бош омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Айнан шу жиҳатлари ёрдамида тамсилларда кўзланган мақсад ва маъно тингловчининг онгига михланиб, унутилмас из қолдира олади.

Араб тамсилларининг мана шу муҳим хусусиятларига эътибор қаратиб, ўнинчи аср адиби Абу Ҳилол ал-Аскарий⁸ шундай дейди:

“Менинг фикримча, зиёли инсон тилининг талафузи тўғри бўлгач, энг катта эҳтиёжи айнан тамсиллар, далиллар, ўхшатишлар томон юзланган бўлади. Зоро, бу нарсалар кишининг сўзини равон қилиб, тингловчи наздида тезроқ қабул бўлишига хизмат қиласди. Эшитган кишининг онгига жойлашиб, кўнгилни таскин топтиради. Қолаверса, ёдда сақлаб қолишга ҳам ёрдам беради. Тамсиллардан кўпроқ боҳбар бўлиш суҳбатлар мобайнида, хусусан, баҳс-мунозаралар асносида асқотади. Ўрнидаёт ёдга тушиб, тилдан чиқадио, рақибга зарба беради. Каломда тамсилни ишлатиш гўё тугунни ечиш, беллашувда хужум қилиш, сафарда эса катта йўлни босишга ўхшайди”.⁹

Тамсил санъати ўзида кўплаб бадиий унсурларни мужассам этади. Услуби равон, юксак балоғатли ва ўткир мажозга эга бўлгани учун кишининг эътиборини жалб этади, ақлга, қалбга ва хаёлга кириб боради.

Бошқа жиҳатдан эса, тамсилларнинг тингловчида қаноат ва таслим ҳосил қилиш потенциали мавжуд. Шунинг учун Қуръони каримда ҳам кўплаб тамсиллар учрайди.

Бундан ташқари, пайғамбарлар, солиҳ кишилар, катта ғоялар етакчилари ҳам ҳаёт ва фаолиятлари давомида тамсилларни келтирғанларини қўришимиз мумкин.

Шуларни умумийлаштириб, айтиш мумкинки, араб адабиётидаги тамсил масал, мақол, матал ва ирсоли масал кабиларни қамраб оловчи санъат туридир.

Тамсил бошқа кўп бадиий санъат турларидан фарқли ўлароқ, рост сўз ҳамдир. Шунинг учун бўлса керак, одамлар қанчалик турлича, халқлар қанчайин турфа маданиятли бўлсалар ҳам, бировнинг тамсили бировга бегона туюлмайди. Хитой халқидан сизиб чиққан тамсил Африканинг қаърида яшайдиган кишига айтилса, тўғри қабул қилинади. Гоҳо Арабистон яриморолида бир тамсил айтиладио, айни вақтда Европада ҳам айни шу мазмунни такрорловчи бошқа бир тамсил янграйди. Сабаби эса юқорида

⁸ Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Саҳл Абу Ҳилол ал-Аскарий. Лугатшунос ва адабиётшунос олим. 920 йилда туғилиб, 1005/395 йилда вафот этган. Унинг “Ал-fuрук ўи-л-лугат” асари машҳур.

⁹ Абу Ҳилол ал-Аскарий, “Жамхара ал-амсал”. Байрут, “Дари ал-кутуб ал-илмия”, 1998, 1-ж, Б. 309.

айтганимиздек, тамсиллар – инсоннинг мансублигидан эмас, инсоннинг инсонлигидан, соф табиатидан келиб чиқади.

Ҳар бир халқдаги тамсиллар, мақол ва маталлар жуда қадимий бўлади. Ифода услуги эса шу халқ яшаётган иқлим, шароит кабилардан келиб чиқади. Шундан бўлса керак, араб тилидаги тамсиллар саҳро шароитида, урф-одатларга содик халқ тилидан чиққани сезилиб туради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тамсил адабиётдаги бир бадиий санъат туридир. Ундан асосан сўзловчи ўзи айтаётган фикрни тингловчига янада тушунарли бўлишини кўзда тутади. Сўзловчининг фикри тингловчига таниш бўлган ҳолат, воқеа, машҳур иборани эслатиш орқали ўртадаги боғлиқлик дарҳол англашилади. Бу эса, ўз навбатида, сўзловчи илгари сураётган фикр тез қабул қилиниши, тушунилишига хизмат қиласи.